

Институтимиз дунёning кучли университетлари рейтингига кирди

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба 2020 йил учун QSнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингига қайд этилди.

Бу Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Республика олий таълим муассасаларини халқаро нуфузини ошириш мақсадида Times Higher Education ва QS каби дунёning етакчи халқаро агентликлари билан сўнгги икки йил ичидаги олиб борган ҳамкорлиги натижасидир.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти QS рейтингига академик сўровнома, иш берувчиларнинг баҳоси ва илмий салоҳияти каби мезонларда Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари ўртасида ижобий кўрсаткичларни қайд этиб, 301-350 ўринлар оралиғидаги университетлар қаторидан жой олди.

(Маълумот учун: QS рейтинг агентлиги томонидан илмий тадқиқотларга 20%, академик сўровномага (жаҳон OTMларига ўрганилаётган университет юзасидан сўровнома юбориш, жаҳон OTMлари учун танилишда илмий тадқиқот ишларининг роли юқори) 30%, иш берувчилар сўровномасига 20%, ўкув жараёнига 15%, бошқаларга 15% ажратилган.)

Ушбу рейтингда 1-ўринни Ломоносов номидаги Москва давлат университети, 2-ўринни Санкт-Петербург давлат университетлари эгаллади. Рейтингда Россия, Чехия, Туркия, Венгрия, Польша, Руминия, Словения, Хорватия, Беларусь, Болгария каби давлатларнинг етакчи университетлари жой олди.

Ҳозирда вазирлик томонидан халқаро эксперталар билан биргаликда республикамизнинг етакчи олий таълим муассасаларини босқичма-босқич халқаро рейтингга киритишига тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хорижий эксперталар томонидан республиканинг 10 та олий таълим муассасаси (ЎзМУ, ТИҚҲММи, ТДТУ, ТАТУ, СамДУ, ТДАУ, УрДУ, ТТА, Турин политехника университети, ҚҚДУ) танлаб олинди ва уларнинг Times Higher Education ва QS базасида тегишли профиллари яратилди. Эксперталар шу 10 та олий таълим муассасаси билан яқиндан ишламоқда.

Институтнинг расмий каналига
уланиш - <https://t.me/ilovetiiame>